

2-25-2020

LEXICOGRAPHIC ANALYSIS OF GENERAL LINGUISTIC TERMS (ON THE BASIS OF MATERIALS OF ENGLISH, RUSSIAN AND UZBEK LANGUAGES)

Dilafro'z Xodjayeva Izzatillayevna

The Department of foreign language in natural directions of Bukhara State University (PhD)

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu>



Part of the [Linguistics Commons](#)

Recommended Citation

Izzatillayevna, Dilafro'z Xodjayeva (2020) "LEXICOGRAPHIC ANALYSIS OF GENERAL LINGUISTIC TERMS (ON THE BASIS OF MATERIALS OF ENGLISH, RUSSIAN AND UZBEK LANGUAGES)," *Scientific reports of Bukhara State University*. Vol. 4 : Iss. 1 , Article 6.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu/vol4/iss1/6>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific reports of Bukhara State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

УДК: 81.4

УМУМИЙ ТИЛШУНОСЛИККА ОИД ТЕРМИНЛАРНИНГ ЛЕКСИКОГРАФИК
ТАҲЛИЛИ (ИНГЛИЗ, РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ МАТЕРИАЛИ МИСОЛИДА)

ЛЕКСИКОГРАФИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ЛИНГВИСТИЧЕСКИХ ТЕРМИНОВ
(НА ПРИМЕРЕ МАТЕРИАЛОВ АНГЛИЙСКОГО, РУССКОГО
И УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКОВ)

LEXICOGRAPHIC ANALYSIS OF GENERAL LINGUISTIC TERMS (ON THE BASIS
OF MATERIALS OF ENGLISH, RUSSIAN AND UZBEK LANGUAGES)

Ходжаева Дилафрўз Изатиллоевна

БухДУ табиий йўналишларда чет тили каф. муд., (PhD)

Аннотация. Мақолада инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги соф тилшуносликка оид терминларнинг уч тил луғатларида берилган изоҳлари лексикографик нуқтаи назардан таҳлилга тортилган.

Таянч сўзлар: термин, терминология, лексикография, умумлингвистик тушунчалар, филология, прагматика.

Аннотация. В статье прилагается лексикографический анализ лингвистических терминов и их дефиниций в словарях английского, русского и узбекского языков.

Ключевые слова: термин, терминология, лексикография, общелингвистические понятия, филология, прагматика.

Annotation. The given article gives the lexicographic analysis of linguistic terms and their definitions taken from trilingual dictionaries of English, Russian and Uzbek languages.

Key words: term, terminology, lexicography, general linguistic notions, philology, pragmatics.

Кириш. Замонавий тилшуносликда терминологиянинг ўрни, умумий ва хусусий терминология муаммолари, шунингдек, тилшунослик терминларини тартибга солиш жараёни билан боғлиқ тадқиқотлар бир тил доирасида муайян даражада амалга оширилаётган бўлса-да, тилшунослик терминларининг лексикографик талқини бир неча тил изоҳли луғатларини чоғиштириш кесимида ўрганилмаган. Айни пайтда турли тизимга мансуб тилшунослик терминларини саралаш, унификациялаш, таснифлаш, кодификациялаш, изоҳлаш, уларнинг функционал, лексик-семантик хусусиятларини аниқлаш каби устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Лингвистик терминология махсус тушунчаларни ифодалаш, илмий соҳанинг типик объектларини номлаш мақсадида қўлланадиган сўз ва сўз бирикмалари функциялари мажмуини ўрганадиган фандир (“Термин – функция” эканлигини унутмайлик). У тилшуносликнинг таркибий қисми бўлиб, 1) соф термин ва 2) таркибли терминларнинг ҳосил бўлишига олиб келувчи сўз ва муқобилли ўзига хос бирикмаларни ўз ичига олади.

Умумтилшунослик тушунчалар тизими ва категорияси сифатидаги лингвистик терминология тушунчасини лингвистик метатилнинг бошқа таркибий қисми – номенклатурадан фарқлаш зарур. Номенклатура муайян тил объектларини белгилаш мақсадида қўлланадиган махсус номлар тизимидир. Масалан, *агглютинация, флексия, фонема, грамматика* – умумлингвистик тушунчаларни ифодалаш ва мустаҳкамлаш учун хизмат қиладиган терминлар бўлса, араб тилидаги *айн* – бу номенклатур белги, хусусий объект номи бўлиб, уларнинг миқдори сезиларли даражада кўпдир.

Бироқ номенклатур бирлик ва термин орасидаги чегара ўзгарувчан бўлади. Ўхшаш ҳодисалар бошқа тилларда мавжуд бўлган тақдирда ёки дастлабки тор маънодаги номларда кўпроқ универсал мазмун ифодаланган тақдирда, ҳар қандай номенклатур бирлик ўзининг ифода доирасида қанчалик қатъий бўлмасин, умумий хусусиятга эга бўлиб, мувофиқ илмий

тушунчани ифодаловчи терминга айланиши мумкин. Шундай қилиб, термин соф тил объектлари тадқиқининг якунловчи босқичи ҳисобланади.

О.С.Ахманованинг фикрича, лингвистик терминология бошқа ҳар қандай терминология каби терминларнинг оддий мажмуи эмас, балки ўзига хос семиологик тизимдир. “Умуман, терминология фан тараққиётининг юксак даражасига эришгандагина пайдо бўлади, яъни термин мазкур тушунча мутлақо аниқ илмий ифода касб этгандан кейин эътироф этилади. Терминни нотерминдан фарқлашнинг муҳим воситаси уни илмий асосда таърифлаш мумкин ёки мумкин эмаслигидир”[1, 509]. Агар терминга таснифловчи таъриф тегишли бўлсагина, у терминологик тизимнинг бир қисми бўла олади. Лингвистик терминология тилшунослик тарихининг ривожланиш даврида шаклланиб, нафақат тил ҳақидаги қарашларнинг ўзгариши ҳамда турли тилшунослик мактаблари ва йўналишларида тил қўлланишини ифодалайди, балки турли миллий тилшунослик анъаналарини ҳам акс эттиради.

Лингвистик терминология рационал равишда ташкил этилган, семиотик жиҳатдан мукамал тизим бўлмаганлиги сабабли тилшуносликда доимий равишда терминологияни тартибга солиш муаммоси мавжуд. Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрича, лингвистик терминологияда табиий тилларда учрайдиган белги қонунларининг бузилиши бартараф этилиб, уни фақат соф рационал асосда қуриш керак бўлса, бошқа тадқиқотчиларга кўра, янги терминология яратилаётган даврда илм-фан ривожланишини тўхтатиб бўлмаслиги сабабли, лингвистик терминологияни тартибга солиш қуйидаги натижаларга: 1) махсус лингвистик сўзларнинг қўлланишини ўрганишга; 2) терминологияни танлаш ва уни лингвистик терминлар луғатларида акс эттиришга; 3) миллий терминологик тизимни икки ва кўп тилли терминологик луғатларда чоғиштиришга олиб келиши керак.

Аниқланган дублет, триплет ва ҳоказоларни чоғиштиришда дескрипторларни, яъни маълум термин орқали ифодаланган муайян тушунчани мос равишда аниқ изоҳлай оладиган ҳамда у орқали ифодаланган ҳолатнинг табиатини очиқ берадиган сўз ёки сўз бирикмаларни ажратишга ҳаракат қилиш керак. Дескрипторларни аниқлаш (масалан, *фразеологик бирлик* мазкур термин билан параллел равишда қўлланиладиган дублет, триплет ва бошқа мос сўзларга нисбатан) муайян терминологик тизимда ўз-ўзидан нормаллаштирувчи роль ўйнайди. Терминнинг дублети ва синоними мавжуд бўлган ҳолларда, объектнинг турли томонларини терминологик жиҳатдан акс эттириш мақсадида уларни ажратиш эҳтиёжи туғилади (масалан, *эга – субъект* тушунчасининг фарқи)[13]. Кўринадики, муайян терминологик тизимнинг барқарорлиги, биринчи навбатда, унинг тартибга солиниши, ифода ва мазмун планининг мослиги билан белгиланади. Шу талабларга жавоб берадиган терминологик тизим илмий йўналиш ва ундан келиб чиқадиган янги йўналишларни (айни ҳолатда дескриптив тилшунослик) енгиб ўтиши ва муайян илм-фаннинг замонавий метатилига кириши мумкин.

Қуйида биз инглиз, рус ва ўзбек тиллари изоҳли луғатларида берилган тилшуносликка оид терминларнинг лексикографик таҳлилини келтираемиз. Биз тадқиқотимиз материали сифатида инглиз, рус ва ўзбек тилларининг қуйидаги изоҳли луғатларини танладик: инглиз тилида “Оксфорд” луғатининг 2006 йилда чоп этилган 7-нашри. Мазкур луғатнинг умумий ҳажми 1751 бетни ташкил этади. Инглиз ва рус тили лингвистик терминларини қиёслаш мақсадида асосий манба вазифасини ўташ учун 2007 йилда Н. Шведова томонидан тўлдирилиб, қайта нашр этилган С.Ожеговнинг “Толковый словарь русского языка” (кейинги ўринларда “С.Ожегов” тарзида қўллаемиз) луғати бўлиб, унинг умумий ҳажми 938 бетни ташкил этади. Инглизча-русча лингвистик терминларни ўзбекча лингвистик терминлар билан қиёслаш мақсадида 1981 ва 2006 йилларда чоп этилган “Ўзбек тилининг изоҳли луғат”лари (кейинги ўринларда “ЎТИЛ–1”, “ЎТИЛ–2” тарзида қўллаемиз) танланди.

Биз қуйидаги терминларни шартли равишда умумий тилшунослик фанига нисбат бердик. Улар “Оксфорд”да 101 (46,9 %)та, “С. Ожегов”да 27 (12,6 %)та, “ЎТИЛ–1”да 35 (16,3 %)та ва “ЎТИЛ–2”да 52 (24,1 %)та берилган. Улар орасида биз тадқиқот объекти қилиб олган тўртала луғатда учрайдиганлари ҳам, учтасида учрайдиганлари ҳам, иккитасида ва биттасида учрайдиганлари ҳам бор.

Булардан тўртала луғатда учрайдиганлари қуйидагилар: *тил, лингвистика, филолог, филология* терминларидир. “Оксфорд”да *тил* (langue) – муайян жамиятнинг алоқа аралашув тизими сифатида ҳамда language термини ҳам бир неча маънода изоҳланган. Унинг “С. Ожегов”да қуйидаги маънолари изоҳланган: 1) товушли луғавий ва грамматик воситаларнинг тарихан шаклланган, тафаккурни ишга соладиган, жамиятда кишиларнинг ўзаро мулоқот қилишига, фикр алмашилиши ва тушунишига хизмат қиладиган тизим; 2) товуший, луғавий ва грамматик тизимга асосланган ифода воситалари мажмуи, стиль (язык Пушкина); 3) нутқ, сўзлаш қобилияти; 4) ахборот узатувчи белги (товуш, сигнал)лар тизими; 5) *кўчма* изоҳлайдиган, ифодалайдиган нарса (язык танца); 6) *кўчма* керакли маълумот учун тутиб келинган асир.

Мазкур термин “ЎТИЛ–2”да қуйидаги маъноларда қўлланган: 1) алоқа воситаси, тилшуносликнинг асосий объекти; 2) сўзлаш, гапириш, фикр ифодалаш қобилияти; 3) фикр ифодалаш жараёни ва бу жараёнда юзага келадиган сўз, ибора, гап, нутқ; 4) фикр ифодалаш, алоқа курали бўлиб хизмат қиладиган товуш, сўз ва грамматик воситалар тизими; 5) нутқнинг ўзига хос ифода воситалари ва бошқа хусусиятлари фарқланадиган бир тури (бадий асар тили); 6) *кўчма* Инсондан бошқа нарсаларнинг ўзаро тушунишига хизмат қилувчи восита, белги; 7) *ҳарб.* Керакли маълумот олиш учун тутиб келтирилган асир; 8) бирор нарса, иш-фаолиятнинг моҳияти, сири ва ш.к. *Ернинг тилини билмоқ.*

“ЎТИЛ–1”, “ЎТИЛ–2”даги изоҳлар шу фикрларни акс эттиради.

Лингвистика терминининг луғатлардаги талқини деярли бир хил. Фикримизча, уни қ. (қаранг) ишораси билан тилшуносликка йўналтириш мақсадга мувофиқ.

Филолог терминига берилган изоҳлар ҳам луғатларда айнан бир хил. Фақат битта фарқи, “ЎТИЛ–2”да унинг *юнонча philologos* сўзининг маъноси берилган (доноларча суҳбатларни севувчи).

Филология термини талқинларига эътибор берайлик. “Оксфорд”да филология – тил тараққиётини илмий ўрганиш соҳаси, “С.Ожегов”да халқнинг тил ва адабий ижодда ўз ифодасини топадиган, маънавий маданиятини ўрганувчи фанлар мажмуи сифатида таърифланган. Худди шундай шарҳ “ЎТИЛ–1” ва “ЎТИЛ–2”да берилган.

Кўринадики, “Оксфорд”да *филология* деганда тил тараққиётини ўрганиш тушунилади. Бу эса фақат тилшуносликнинг объектидир. “С. Ожегов” ва “ЎТИЛ”лардаги талқин деярли яқин. “ЎТИЛ–2”даги изоҳ эса термин моҳиятини акс эттиради.

Филология термини, фикримизча, кенгроқ изоҳланган бўлиши керак эди. Ана шундай киска, лўнда, тушунарли таърифни биз “СЭС”да ўқиймиз: **“Филология** (от *фил...* и греч. *logos* – слово), гуманитарная дисциплина, изучающая письменные тексты и на основе их содержательного, языкового и стилистического анализа – историю и сущность духовной культуры данного общества. Ф. возникла в Др. Индии и Греции. В 17-18 вв. сложилась как наука, изучающая древнюю культуру (язык, лит-ру, историю, философию, иск-во в их взаимосвязанности). С дифференциацией отд. наук содержания понятия Ф. изменялось: Ф. стали понимать как совокупность наук, изучающих культуру народа, выраженную в языке и лит. творчестве”[5, 1407]. Ушбу таърифнинг афзаллиги шундаки, унда *филология*нинг қайси соҳага оидлиги, тадқиқот объекти, юзага келиш ва шаклланиш даврлари, кейинчалик унинг тил ва адабиётни ўрганишга бўлиниб кетганлиги акс эттирилган.

Қуйидаги терминлар фақат учта луғатда кузатилади: *аналитик, германистика, лингвистик, лингвистика, прагматика, санскрит, синхрон, славянишунос, славянишунослик, тилшунослик, туркология.* Гарчи *германистика* “ЎТИЛ”ларда изоҳланган бўлса ҳам, “Оксфорд”да *турколог, туркология, туркигўй, туркийшунос* терминлари берилмаган. *Лингвист, лингвистика* терминлари қ. ишораси билан тегишли терминга ҳавола қилинса, фикримизча, маъкул бўларди. *Германистика, санскрит, славянишунослик* каби терминлар луғатларда деярли яқин ва тўғри талқин қилинган.

Ушбу ўринда эътиборталаб терминлар ҳам бор. Шулардан бири *тилшунослик* терминидир. “С.Ожегов” ва “ЎТИЛ–1”да *тилшунослик*нинг тил ҳақидаги фан эканлиги қайд этилган ва унинг маънодоши (*лингвистика*) берилган. “ЎТИЛ–2”даги таъриф ҳам айнан

шундай, бироқ у мисоллар билан берилган. Фикримизча, бунда тилшунослик фанлари таснифи берилганда, термин талқини ҳам тўлиқ ва мукамал ифодаланган бўларди. Шундан келиб чиқиб, биз *тилшунослик* терминининг қуйидаги талқинини таклиф қиламиз: **“Тилшунослик лингв. 1.** Тил ҳақидаги фан, *айн. лингвистика*; **2.** Т. фундаментал (умумий), хусусий ва амалий тилшуносликларга бўлинади. Бу Т. лар ҳам, ўз навбатида, турли бўлимларга бўлинади”.

Бугунги тилшуносликнинг энг мураккаб бўлимларидан бири прагматика ёки прагмалингвистикадир. Адабиётларда мазкур тушунчанинг назарий асослари ҳақида кўп ёзилган (XX асрнинг 30-йиллари охири Ч.У. Моррис). Лекин уни матнда, амалий нуқтаи назардан ўрганишда В.Г. Гак, Иванова ва б.нинг назарий грамматикалари муҳим аҳамият касб этади.

Прагматика терминига қайтайлик. “С. Ожегов”да: «**Прагма’тика**, -и, ж. В семиотике, языкознании: направление, изучающее отношения между средствами языка и теми, кто этими средствами пользуется; само такое отношение. // *прил. прагмат’ический*, -ая, -ое» [3, 577]. Луғатда тил воситалари билан шу воситалардан фойдаланувчилар орасидаги муносабатни ўрганадиган фан дея изоҳланган. Бу термин “ЎТИЛ–1”да берилмаган. “ЎТИЛ–2”да: **“Прагматика** [*юн. pragma, pragmatos – иш, ҳаракат*] *тлш.* Семиотика ва тилшуносликнинг нутқда тил белгиларининг амал қилишини, унинг ўзаро муносабатини ўрганувчи соҳаси”[10, 306]. Мазкур термин XX асрнинг 30 йилларида Ч.У. Моррис томонидан семиотика бўлимларидан бирининг номи сифатида киритилган. Ч.У. Моррис семиотикани қуйидаги бўлимларга бўлади: 1) семантика – белгининг объектга муносабатини ўрганади; 2) синтактика – белгилараро муносабатларни ўрганувчи бўлим; 3) прагматика – тилдан фойдаланувчиларнинг тил белгиларига нисбатан муносабатини ўрганади. Лингвистик прагматиканинг аниқ чегаралари мавжуд эмас, унда гапирувчи, тингловчи, уларнинг мулоқотдаги ўзаро алоқаси, мулоқот вазияти билан боғлиқ бўлган қатор муаммолар мавжуд.

Ўзбек тилшунослигида прагмалингвистика соҳаси тилшунос олим Ш. Сафаров томонидан чуқур тадқиқ этилган бўлиб, олимнинг фикрича, прагмалингвистикага берилаётган таърифлар қиёсланганда, уларнинг барчасида ушбу соҳа предметини ёритишда етишмаётган тўлақонлилик, айрим ҳолда бир таъриф иккинчисида ифодаланаётган мазмунга қандайдир бир “соя” тушираётганлиги сезилади. Аммо ушбу масалага турли томонлама ёндашув, “барча сарҳадлар бўйлаб ҳужум қилиш” йўли билан умумий ҳолатни, ўрганилаётган ҳодисанинг тўлиқ суратини тасвирлаш мумкин.

Муаллифлар сони кўпайгани сари берилаётган таърифлардаги турли-туманлик, фикрлар зидлиги ҳам ўсиб бораётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Охириги 60-70 йил давомида прагматиканинг доираси, қамрови шунчалик кенгайдикки, ягона бир назария ва унинг чегараси ҳақида бирор бир тўхташга келишнинг ўзи қийинлашиб бормоқда. Боз устига, прагмалингвистиканинг тараққиётига когнитология, маданий антропология, фалсафа, мантик, социология, фаолият назарияси каби тилшуносликнинг сарҳаддошларию, социоллингвистика, когнитив тилшунослик, психоллингвистика, матн назарияси каби соҳалари ҳам ҳисса қўшиб келмоқдалар. Шу аснода прагмалингвистик тадқиқотларнинг предметини нималар ташкил қилмоғи даркорлиги масаласи ўз долзарблигини хануз сақлаб турибди.

Олим мазкур соҳада хориж тилшуносликларида олиб борилган тадқиқотларни таҳлил этиб, қуйидаги фикрни билдиради: “Прагматиканинг умумий таърифини қуйидагича тасаввур қилиш мумкин: прагматика тилшуносликнинг алоҳида соҳаси бўлиб, унинг тадқиқот доирасига мулоқот жараёнида лисоний бирликларни танлаб олиш, уларни қўллаш ҳамда ушбу қўлланишдаги бирликларнинг мулоқот иштирокчиларига таъсири масалалари ўрганилади. Ушбу қоидалар коммуникация шарт-шароитларига нисбатан, кенг маънодаги контекст сифатида ўрганилади. Лисоний ҳодисаларнинг бу йўсиндаги таҳлили уларнинг қўлланишидаги маълум муҳитда мавжуд бўлган тўсиқлар, чегараланишларни ҳам аниқлаш имконини беради. Лисоний таҳлилнинг асосий ғояси ҳам унинг табиатини амалий фаолиятда қўлланишига нисбатан ёки бошқача айтганда, бажараётган вазифаси доирасида аниқлашдир. Айнан вазифа (функция) тушунчаси лисон таҳлиliga прагмалингвистик ёндашувнинг

пойдеворидир. Аминмизки, прагмалингвистиканинг худди шу йўналишдаги таракқиёти назарий тилшунослик ва амалий коммуникация ўртасида мавжуд бўлиб турган “узилиш”ларни анчалик даражада торайтиради”[4, 42].

Юқоридаги таҳлиллардан кузатиш мумкинки, умумий тилшуносликка доир терминлар “Оксфорд”да мукамал изоҳланган. Бунинг сабабларидан бири, умумий тилшуносликнинг, асосан, европалик олимлар фаолияти билан боғлиқлигидир.

Лингвистик терминларнинг турли тиллар изоҳли луғатларида берилишини қиёсий ўрганиш бу тилларнинг айрим ҳодисалари бир хил даражада ўрганилмаганлигини кўрсатади ва кейинги тадқиқотлар учун замин тайёрлайди.

АДАБИЁТЛАР

1. Ахманова О.С. *Словарь лингвистических терминов*. – М.: Советская энциклопедия, 1966. – 606 с.
2. *Oxford Advanced Learner's Dictionary, 7th edition*. – Oxford University Press, 2006. – 1715 p.
3. Ожегов С.И., Шведова Н.Ю. *Толковый словарь русского языка*. – М., 2007. – 938 с.
4. Сафаров Ш. *Прагмалингвистика*. – Т., 2008. – 154 б.
5. *Советский энциклопедический словарь, под ред. А.М.Прохорова*. – М.: Советская энциклопедия, 1985. – 1599 с.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд // З.М.Маъруфов таҳрири остида. – М.: Рус тили, 1981. – 631 б.
7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд // З.М.Маъруфов таҳрири остида. – М.: Рус тили, 1981. – 715 б.
8. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд // А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 679 б.
9. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд // А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 671 б.
10. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 3-жилд // А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – 687 б.
11. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4-жилд // А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 606 б.
12. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилд // А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 591 б.
13. <http://tapemark.narod.ru/les/509a.html>

УДК: 811.112.238

**ZAMONAVIY GAZETALARINING SARLAVHALARINI STIL
JINATDAN MUKAMALLASHTIRISH USULLARI**

**ИЗОБРАЗИТЕЛЬНО-ВЫРАЗИТЕЛЬНЫЕ СРЕДСТВА КАК СТИЛЕОБРАЗУЮЩИЕ
ЗАГОЛОВКОВ СОВРЕМЕННОЙ ГАЗЕТЫ**

**EXPRESSIVE MEANS AS STYLE-FORMING HEADLINES OF
A MODERN NEWSPAPER**

Мамадалиева Наубахон Сайдаминовна
учёный секретарь НУУз имени Мирзо Улугбека,
проф. каф. стилистики и редактирования,
Мирзажонов Аваз Хамитович
докторант каф. стилистики и редактирования
НУУз имени Мирзо Улугбека (PhD)

Annotatsiya. Maqola gazeta sarlavhalarining lingvistik va stilistik xususiyatlarini tahlil qilish, gazeta sarlavhalarining roli va funktsiyalarini aniqlash, sarlavhalar orqali ma'lumotni taqdim etishning eng samarali lingvistik va stilistik vositalarini izlash, sarlavhani matn bilan o'zaro bog'lash, uslubni shakllantirish sarlavhasi sifatida vizual va ekspressiv vositalarni izlashga bag'ishlangan. Tadqiqot materiallari «Evening Tashkent», «Sharqning biznes xabarnomasi», «Lady», «Humo» gazetalari va Rossiyaning «Yangiliklar olami» gazetasining 2012-2018 yillardagi materiallari bo'ldi. Maqolada turli xil mavjud ta'riflar, gazeta sarlavhasining roli, vazifalari,